

Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойдан чиқа бошлаган • @uzssgzt, uzss@yandex.ru • 2021 йил 9 апрель • №14 (1346)

АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ САҚЛАШ ВА КОРОНАВИРУСГА ҚАРШИ КУРАШИШ ЧОРАЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 1 апрель куну аҳоли саломатлигини сақлаш ва коронавирусга қарши курашиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳамда келгусидаги устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.



Маълумки, 2020 йил 12 ноябрда давлатимиз раҳбарининг бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш тўғрисида фармони, тиббий профилактика ишлари самардорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлаш бўйича қарори қабул қилинган эди. Уларга мувофиқ, касалликларни эрта аниқлаш, тўғри ташхислаш ва даволаш услубларини ўзгартириб, бу борада янгича тизим ташкил этила бошланганди.

Йиғилишда ушбу вазифалар ижроси ҳақида сўз борар экан, **Президент учта саволни ўртага қўйди:**

биринчи – жорий этилган янги тизим бўйича тиббий харира шакллантирилгани, аҳолининг хавф гуруҳларига бўлингани нимани кўрсатди?

иккинчи – маҳаллалар кесимида тиббиёт бригадалари шакллантирилиб, аҳоли билан манзилли ишлаб бошлаганидан қанча одам рози бўлди?

учинчи – тиббиёт муассасаларида қайси хизматлар бепул бўлди?

Ҳозирги аҳвол талабга жавоб бермаётгани, соҳадаги ўзгаришларни аҳоли тезроқ сезиши кераклиги таъкидланди. Ислохотларни жадаллаштириш учун Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларга Бош вазир

ўринбосари, соғлиқни сақлаш вазир ва унинг ўринбосарларидан масъуллар бириктирилди.

Президентнинг 12 ноябрдаги яна бир қарорига кўра, Сирдарё вилоятида соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этишнинг янги модели ва давлат тиббий суғуртаси механизмларини жорий этиш бўйича тажриба-синов ўтказилди. Йиғилишда Сирдарё вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи мазкур янги тизим натижалари ҳақида ҳисобот берди.

Айтиб ўтилганидек, Сирдарё вилоятининг 236 та маҳалласини тўлиқ қамраб олиш учун 421 та тиббиёт бригадаси ташкил этилган. Аҳолининг саломатлик ҳолати хатловдан ўтказилиб, улар 4 та хавф гуруҳига ажратилган ва вилоятнинг “электрон тиббий харираси” яратилган. Мисол учун, Боёвут туманида 31 минг аҳоли ўзини соғлом деб билса-да, ортиқча вазн, нотўғри овқатланиш, зарарли одатлар туфайли уларда юрак-қон томир, диабет, ўпка касалликларига чалиниш эҳтимоли юқори экани аниқланган. Шунингдек, илгари шифокорга мурожаат қилмаган 257 нафар фуқарода касалликлар оғир босқичда экани маълум бўлган.

Давлатимиз раҳбари бу тажрибани тизимли давом эттириб, барча ҳудудларда жорий этиш бўйича кўрсатма берди. Бунинг учун қишлоқ ва маҳаллаларда тиббиёт бригадалари ташкил этилиб, аҳолини ман-

зилли кўриқдан ўтказиш ва даволаш ишлари олиб борилади, ҳудудларнинг “тиббий хариталари” шакллантирилади. Республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказларининг вертикал иш тизимини такомиллаштириб, уларни оилавий шифокор пунктлари билан боғлаш зарурлиги таъкидланди. Яъни, беморларни овоз қилиб пойтахтга юбормасдан, уларга яшаш жойида малакали тиббий ёрдам олиш имкониятини яратиш керак. Ўтган йили ихтисослаштирилган марказларда даволанишга муҳтож 84 минг нафар бемордан атиги 51 минг нафари бепул ордер билан таъминланган.

Президент ордерлар учун маблағни деярли 1,5 бараварга кўпайтириб, қўшимча 80 миллиард сўм ажратиш бўйича Молия вазирлигига кўрсатма берди. Соғлиқни сақлаш вазирлигига ҳокимликлар билан бирга, йил якунига қадар ҳар бир беморни соғломлаштириш манзили ва муддатларини белгилаб, даволашни ташкил этиш бўйича вазифа қўйилди. Ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари ўз йўналиши бўйича ҳудудлардаги 3 мингдан зиёд оилавий шифокорни қисқа муддатли курсларда ўқитадиган бўлди.

Яна бир масала – бугунги кунда донор беморнинг яқин қариндоши бўлмаса, трансплантацияга рухсат берилмаган. Оқибатда, кўпчилик фуқароларимиз бундай амалиётни чет элда ўтказишга мажбур бўлмоқда. Шу боис инсон аъзолари трансплантациясининг қонуний асосларини ишлаб чиқиш муҳимлиги таъкидланди. Тиббий хизматлар қамровини кенгайтириш мақсадида мамлакатимизда хусусий тиббиёт ташкилотлари учун барча ҳуқуқий асослар, имкониятлар яратилган. Лекин ҳудудларда касалликларнинг турига қараб, хусусий шифо масканларини ташкил этиш ишлари етарли даражада эмаслиги қайд этилди. Мисол учун, аҳоли орасида эҳтиёж юқори бўлган гемодиализ, тиббий диагностика ва реабилитация хизматлари бўйича хусусий клиникалар етишмайди. Мутасаддиларга давлат-хусусий шериклик асосидаги лойиҳаларни кўпайтириш, 170 та туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмалари-

ни компьютер томографлари билан таъминлаш, улардан фойдаланиш бўйича ходимлар малакасини ошириш юзасидан топшириқлар берилди.

Соҳадаги коррупция иллатига ҳам тўхталиб ўтилди. Ўтган йили тизимда 30 миллиард сўмдан ортиқ маблағ талон-торож қилингани айтилди. Шунинг учун, таъсирчан назорат тизимини ўрнатиб, ажратилаётган маблағлар жойига етиб бориши, дори-дармон ва тиббиёт ускуналарининг очиқ-ошкора сотиб олиниши, пуллик хизматлардан тушумлар мақсадли ишлатилишини таъминлаш бўйича кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда кадрлар масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Маълумки, бу борада чекка ҳудудларда эҳтиёж юқорилигини инобатга олиб, “Қишлоқ шифокори” дастури қабул қилинган эди. Бундай жойларда ишламоқчи бўлган шифокорларга 30 миллион сўм пул берилиши белгилалиб, бу мақсадлар учун бюджетдан 20 миллиард сўм ажратилган. Лекин, орадан 4 ой вақт ўтган бўлса-да, бирорта талабгор билан шартнома имзоланмаган. Ваҳоланки, бугунги кунда олис ва чекка ҳудудлар учун 220 нафар шифокор зарур. Бундан ташқари, ҳудудларда 10 минг нафар тор мутахассис етишмайди.

Шу боис, келгуси ўқув йилидан клиник ординатуранинг қабул квотаси икки бараварга оширилиши белгиланди. Ушбу янги тизимда ординаторлар ўқув жараёнининг ярмини олийгоҳ ва ихтисослашган марказларда, қолган ярмини эса иш жойида давом эттиради. Вилоят ҳокимлари ўз ҳудуди учун зарур бўлган тор мутахассисликдаги шифокорларни тайёрлаш учун маҳаллий бюджетдан грант ажратади.

Давлатимиз раҳбари коронавирус пандемияси билан боғлиқ вазиятга алоҳида тўхтади.

– **Жорий йил бошида кунига ўртача 30-40 нафар бемор аниқланган бўлса, март ойи ўрталаридан бу кўрсаткич 160-180 нафарни ташкил этмоқда. Касалликнинг ўта оғир кечиши, ҳаттоки ўлим ҳолатлари ҳам қайд этилмоқда. Бунинг сабаби – кўпчилик фуқаролар хотиржамликка берилиб, тиббий ниқоб тақши, ижтимоий ма-**

софани сақлаш, антисептик воситалардан фойдаланиш каби карантин талабларига бефарқ бўлиб қолди, – деди Шавкат Мирзиёев.

Бош вазирга коронавирусга қарши курашиш бўйича ҳудудий штаблар фаолиятини кучайтириш, туну кун ишлайдиган “колл-марказ”лар ва мобил бригадалар фаолиятини йўлга қўйиш бўйича топшириқ берилди. Дори-дармон ва химоя воситаларининг камида 3 ойлик захирасини шакллантириш, ҳудудларда 60 та кислород станциясини ишга тушириб, реанимация ва интенсив даволаш бўлимларини кислород билан узлуксиз таъминлаш вазифаси қўйилди.

– **Афсуски, бу балонинг охири кўринмаяпти. Европа давлатлари яна локдаунга кираяпти. Қўшниларимизда ҳам аҳвол яхши эмас. Хавф ёнимизда юрибди. Шунинг учун огоҳ бўлишимиз керак. Олдин қандай ишлаган бўлсак, шу тартибни тиклаймиз. Худо кўрсатмасин, шунча қилган ҳаракатимиз бекорга кетиши мумкин. Иқтисодиёт нуқтаи назаридан жуда катта марралар қўйганмиз. Агар ёпилиб қолсак, бу натижаларга эришолмаймиз. Ҳеч қаерни ёпмаймиз, лекин тартиб-интизомни кучайтирамиз. Касалланганларни ҳам тез-тез даволаш чораларини кўриш керак, – деди Президент.**

Апрель-июнь ойларида хавф гуруҳига мансуб 4 миллиондан ортиқ аҳолини коронавирусга қарши эмлаш режалаштирилган. Ҳозирда 660 минг доза вакцина олиб келинган. Ҳукумат комиссиясига Хитойдан яна 3,5 миллион доза ва Россиядан 1 миллион доза вакцина сотиб олиш бўйича кўрсатма берилди.

Фуқароларни яшаш манзили бўйича эмлаш куну ва жойи ҳақида хабардор қилиб бориш муҳимлиги таъкидланди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар бўйича вазирлар, ҳокимлар ва тиббиёт муассасалари раҳбарлари ахборот берди.

ЎЗА.

7 апрель — Жаҳон соғлиқни сақлаш куни

ИНСОН САЛОМАТЛИГИ ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

1948 йил 7 апрель куни инсон саломатлиги билан боғлиқ барча масалаларни халқаро даражада ҳал қилиш учун Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ташкил этилган. 1950 йилдан бошлаб эса ҳар йили 7 апрель куни Жаҳон соғлиқни сақлаш куни сифатида нишонланадиган бўлди.

Бу кун нафақат байрам, балки аҳолининг саломатлиги ва соғлиқни сақлаш тизимидаги муаммоларга халқаро жамоатчиликнинг эътиборини тортиш учун кўшимча имкониятдир.

Дунёнинг турли мамлакатларида бу кун соғлиқни сақлаш тизимидаги асосий муаммолар ва эришилган натижалар сарҳисоб қилинадиган, аҳолининг саломатлик кўрсаткичлари таҳлил қилинадиган кун сифатида ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон тиббиёти қатор ижобий ютуқларга эришганини ҳам таъкидлаш ўринли. Жумладан, бирламчи тиб-

бий ёрдам кўрсатиш, шошилинч тиббий хизмат, ихтисослаштирилган илмий-амалий марказлар фаолияти, хусусан, трансплантация йўналишида эришилаётган дастлабки ютуқлар Жаҳон соғлиқни сақлаш кунига муносиб тухфа бўлди, дейиш мумкин.

Масалан, мамлакатимиз аҳолисига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатаётган тиббиёт марказларни сони 2016 йилда 10 та, унинг ҳудудий филиаллари эса атиги 2 та бўлган бўлса, бугунги кунга келиб тиббиёт марказларининг сони 20 тадан ошди. Ҳудудлардаги филиаллари эса 124 тани ташкил этмоқда. Ислохотларни давом

этириб, бу йил ҳудудий филиаллар сонини яна 48 тага ошириш режалаштирилмоқда. Бу эса аҳолининг ўз туман ёки шаҳарчасида бемалол ихтисослашган тиббий хизмат олиши мумкин деганидир. Бугунги кунда трансплантацияси амалиёти жорий этилиб, 500 дан ортиқ буйрак, ўнлаб жигар ва 35 та ўзак хужайра операциялари муваффақиятли ўтказилди.

Ўзбекистон ЖССТ билан кўп томонлама самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Бу ҳамкорлик, айниқса, пандемия даврида янада мустаҳкамланди. ЖССТнинг Европа минтақавий бюроси раҳбари Ханс Ключе, ташкилотнинг юртимиздаги ваколатхонаси раҳбари Лианн Куппенс юртимиз соғлиқни сақлаш тизимидаги ҳар бир янгиланишга ўзининг ижобий муносабатларини билдириб, муҳим жабҳаларда Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликни йўлга қўйган.



Жумладан, мамлакатимизда коронавирусга чалинган беморларни даволашдан тортиб, айти кунларда олиб борилаётган вакцинация жараёнларига тайёргарлик кўриш ва уни олиб боришда, аҳолини эмлаш тадбирларига жалб этишда, карантин тадбирларини ташкил этишда бевосита ЖССТ тавсияларига амал қилинмоқда.

ЖССТ бош директори Тедрос Гебрейесуснинг

Президентимиз Шавкат Мирзиёевга мактуб йўллаб, БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида Президентимиз томонидан илгари сурилган пандемиялар даврида давлатларнинг ихтиёрий мажбуриятлари бўйича халқаро кодекс лойиҳаси ишлаб чиқилиб, ЖССТга тақдим этилгани учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдиргани ҳам ушбу ҳамкорликнинг ёрқин намунаси.

Халқаро ҳамкорлик

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ЙЎЛИДАГИ ЭЗГУ МАҚСАДЛАР МУШТАРАКЛИГИ

Соғлиқни сақлаш вазири Абдуҳаким Хаджибаев Франция делегациясини қабул қилди. Ташириф доирасида вазир Франциянинг Ўзбекистондаги муваққат ишлар вакили Брис Рокфей, ЖССТнинг COVID-19 пандемиясига қарши курашиш кўмитаси раиси, “AP-HP International” ассоциацияси раҳбари Дидье Уссен, Франция соғлиқни сақлаш вазирининг халқаро масалалар бўйича маслаҳатчиси, “AP-HP International” ассоциациясининг етакчи консултанти Доминик Делпе ҳамда мамлакатимиздаги нуфузли француз фармацевтика компаниялари вакиллари билан мулоқот ўтказди.

Учрашув доирасида юртимиздаги қатор тиббиёт муассасалари фаолиятига замонавий бошқарув менежменти ва илғор технологияларни жорий қилишда француз ташкилотлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, тиббиётга рақамли технологияларни жорий этишда

Франция тажбирасини ўрганиш масалалари муҳокама қилинди. Бундан ташқари, ташириф доирасида Франциянинг “AP-HP International” ассоциацияси мутасаддилари Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати ва Тошкент тиббиёт академия-

си фаолияти билан танишишди. Айниқса, Зангиота юкумли касалликлар шифохонаси ва Болалар миллий тиббиёт маркази фаолияти чет эллик меҳмонларнинг катта қизиқишига сабаб бўлди. Бу муассасаларнинг тиббий имкониятлари ва уларда яратилган шароитлар француз мутахассисларида илиқ таассурот қолдирди. “AP-HP International” ассоциацияси Париж шаҳридаги 32 та йирик марказий шифохонанинг халқаро фаолиятини мувофиқлаштирувчи ташкилот бўлиб, 100 минг нафар тиббиёт ходимларини ўзида қамраб олган. Шу пайтгача Осиё, Африка ва Лотин Америкаси давлатла-



рида йирик лойиҳаларни амалга мақсадлар узоқ йиллар давом оширган. Албатта, бу каби эзгу этади.

Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистонда Франция билан ҳамкорликда 151 номдаги дори-дармон, 22 турдаги тиббий асбоб-ускуналар, 17 турдаги тиббий буюмлар ишлаб чиқарилади.

www.ssv.uz

Таҳлил ва натижа

ТИББИЙ СУҒУРТАСИ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ АМАЛИЁТИ

Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Абдулла АЗИЗОВ бошчилигидаги ишчи гуруҳ Сирдарё вилоятига борди. Ишчи гуруҳ вилоятда давлат тиббий суғуртаси механизмларини жорий этиш ва ҳудуддаги эмлаш жараёнларини мониторинг қилиш, жойларда аҳоли вакиллари билан учрашиб, кам таъминланган, илтимой ҳимояга муҳтож беморларни бепул даволанишини ташкиллаштириш масалаларини кўриб чиқди.

Вазир ўринбосари А. Азизов бошчилигидаги ишчи гуруҳ даставвал давлат тиббий суғуртаси механизмларини амалиётга татбиқ этишга бағишланган семинарда иштирок этди. Анжуманда ЖССТ вакиллари билан ви-

лоятда давлат тиббий суғуртаси механизмларини жорий қилиш масалаларини муҳокама қилди. Шунингдек, тадбирда А. Азизов жорий йил 1 июлдан вилоятнинг барча ҳудудларида давлат тиббий суғуртаси механизми жорий этилишини

эслатиб, вилоят ва туман мутасаддиларига бу борада керакли маслаҳат ва тавсияларини берди. Сўнг эса, ишчи гуруҳ ҳудудлардаги эмлаш жараёнлари билан танишди. Биринчи манзил Оқолтин тумани бўлди. У ердаги туман марказий кўп тармоқли поликлиникаси ва 16-сон оилавий поликлиникасидаги коронавирусга қарши оммавий эмлаш жараёнлари кузатилиди. Эмлаш хонасида керакли барча тиббий жиҳозлар мавжудлиги ҳамда

жараён санитария-гигиена қоидаларига мос равишда ўтказилаётгани назорат қилинди. Шунингдек, ишчи гуруҳ туман тиббиёт бирлашмаси юкумли касалликлар бўлимидаги пандемия шароитига тайёргарлик ҳолатини ҳам ўрганди. Бўлимда 3 та СИПАП ва 2 та кислород концентратор соз ҳолатда, зарур

Вазир ўринбосари бошчилигидаги ишчи гуруҳ Сардоба, Мирзаобод туманларида ҳам бўлиб қайтишди.

Сирдарё вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси Ахборот хизмати.

Неврологлар анжумани

ТУРКИЙЗАБОН ДАВЛАТЛАРНИНГ ТАРҚОҚ СКЛЕРОЗ КОНГРЕССИ

Ўзбекистон неврологлари жамияти бирлашмаси ва Туркия неврологлари жамияти ҳамкорлигида “Туркийзабон давлатларнинг тарқоқ склероз бўйича III халқаро Конгресси” бўлиб ўтди.

Конгресс www.mskongresi.org платформасида онлайн тарзда ўтказилди.

Тадбир туркийзабон давлатларнинг миллий кадриялари ва маданиятини акс эттирувчи видеолар билан бошланди. Конгресс раҳбари, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бош неврологи, Тошкент педиатрия тиббиёт институти асаб касалликлари, болалар асаб касал-

ликлари ва тиббий генетика кафедраси мудири Ёқутхон Маджидова кириш сўзи билан очиб, “Туркийзабон давлатларнинг тарқоқ склероз бўйича III халқаро Конгресси” билан самимий кутлади. Конгрессда Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Озарбайжон ва Туркиянинг неврология соҳасидаги етакчи мутахассислари ўзларининг тажрибалари билан ўртоқлашишди. Форумда не-

вролог, нейрохирург, кардиолог, умумий амалиёт шифокорлари, ва соҳанинг клиник ординаторлари ҳамда магистратура резидентлари иштирок этишди.

Мазкур нуфузли конгрессда мавзуга оид бўлган маърузалар тингланди. Айниқса, мазкур йўналишда ўз ечимини кутаётган муаммолар, шунингдек, тизимнинг барча мутахассислари учун зарур бўлган таклиф ва мулоҳазалар ўртага ташланди.

Конгресс якунида барча иштирокчилар халқаро сертификатга эга бўлдилар.

Махмуд БАХРАМОВ.



Оммавий эмлаш тадбирлари

ЯРАТИЛГАН ИМКОНИЯТЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШИМИЗ ЗАРУР

Юртимизда Ўзбекистон-Хитой ҳамкорлигида яратилган коронавирусга қарши ZF-UZ-VAC2001 вакцинасининг 3-клиник синув босқичи давом этмоқда. Кўпчилигимизга эмлаш жараёнининг ҳар бир босқичини қай тарзда бошидан ўтказган кўнгилли фуқароларнинг ҳолатлари жуда қизиқ. Тадқиқот доирасида вакцинанинг 3-босқичдан муваффақиятли ўтган «Олимпия» маҳалласи «Нуронийлар» ташкилотининг раиси 75 ёшли Зайнитдинов Бурхониддин ота билан суҳбатлашдик. Бурхониддин ота ZF-UZ-VAC2001 вакцинасининг клиник синовларида иштирок этган кўнгиллилардан биридир.

– Ўтган йили бутун дунё аҳли коронавирус ҳужумидан анчагина жабр чекди, – дея сўз бошлади Б. Зайнитдинов. – Ҳанузгача унинг дастидан қийналиб келмоқдамиз. Яқинларингни кўришга, кўчага бир хатлаб чиқишга ҳам кўркиб қоласан киши. Айниқса, атрофингдаги яқинларингни оила-сида касаллик оқибатида юз бераётган кўнгилсиз воқеалар сени янада сергак тортиради. Буни эслаш нақадар даҳшатли. Ўтган йили карантин талаблари кучайтирган бир пайтда рафиқам Матлубахон ҳам ко-

ронавирусга чалинди. Фарзандларим дарҳол мени бошқа хонага жойлаштиришди. Рафиқамнинг ҳолати яхши бўлавермагач, уни «Ўзэкспомарказ»даги вақтинча ташкил қилинган шифохонага жойлаштиришди. Ахволдан жуда ташвишландик. Хонадонимизда хотиржамлик йўқолди. Ўша пайтдаги ҳолатимизни, ҳатто, тушунтириб беролмайман. Рафиқамни узок вақт ҳолсизлик, нафас сиқиши каби ҳолатлар қийнади. Унинг реабилитация жараёнига тахминан 2 ойча вақт кетди. Мен учун бу ойлари гўё йилдек туюлди. Ниҳоят,

юртимизга касалликка қарши курашишда вакцина келтирилганлигини эшитдим. Бу хабар мени жуда қувонтирди. Кўнгилли фуқаролар сафига кўшилиш истагини билдирдим. Худди шундай вакцинани биринчилар қаторида шифокор ўғлим ҳамда ҳамшира бўлиб ишлайдиган қизим ҳам олишди. Шундай қилиб, вакцинани илк бор олганимдан сўнг 1 ой ўтгач, 2-дозаси билан эмландим. 60 кундан сўнг учинчи дозасини ҳам олишга муваффақ бўлдим. Худога шукр, ҳеч қандай ноҳўя таъсир сезганим йўқ. Ҳарорат кўтарилиши, бош оғриғи ёки эт увишиши каби ноҳуш ҳисларни ҳам туймадим. Барчаси аъло даражада ўтди. Вакцинани ҳар гал олишга келганимда таниш чехраларни учратардим. Улар билан эмлангандан сўнг бир-биримизда кечаётган ўзаро жараёнларни сўрашга ошиқардик. Қувонарлиси, ҳаммасида фақат ижобий натижалар қайд этилди.



Афсуски, вакцина ҳақида турли хил ноўрин, миш-мишлар тарқалмоқда. Юз марта эшитгандан кўра, бир марта ўша жараённи бошдан кузатишганида эди, фикрлари мут-

лако ўзгаришига ишончим комил бўларди. Ваганимиз айнан кексаларнинг соғлиғини ташвишланганидан эмлаш ишларини қариялардан бош-лашди.

Ҳозирда коронавирусдан ягона ишончли ҳимоя воситаси айнан вакцина экан, ўзимизни ҳимоя қилишимиз учун яратилган имкониятдан фойдаланишимиз керак. Зеро, ҳар бир инсон ўз соғлиғи учун ўзи масъулдир.

www.ssv.uz

Бүгуннинг мавзуси

ВАКЦИНА — КОРОНАВИРУСНИ ЕНГИШДА АСОСИЙ ОМИЛ

Республикамизда коронавирусга қарши эмлаш жараёнлари олиб борилмоқда. Ўз навбатида бу масалага алоҳида эътибор қаратилмоқда. Албатта эмлаш ишларининг самарали ташкил этилиши халқимиз саломатлиги, шу билан бирга, жамиятимиздаги ижтимоий-иқтисодий барқарорлик нуктаи назаридан ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Худудларда ўтказилаётган эмлаш жараёнлари билан қуйидаги хабарларимизда танишишингиз мумкин.

САМАРҚАНД
ВИЛОЯТИ

Самарқанд вилоят санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бошқармаси мутахассиси Шоира Халилованинг берган маълумотида кўра, Самарқанд шаҳрида бугунги кунга қадар олти мингга яқин аҳоли коронавирус инфекци-

ясига қарши эмланди. Эмлаш учун AztraZeneca вакцинаси ва Хитой билан Ўзбек олимлари ҳамкорлигида ишлаб чиқарилган ZF-UZ-VAC2001 вакцинаси ишлатилаяпти. Бу эмлашлар давлатимиз томонидан ихтиёрий равишда бепул асосда амалга ошириляпти.

Бугунги кунда режа асосида хавф гуруҳига мансуб бўлган асосан 65 ёшдан юқори бўлган аҳоли қатлами ва тиббий ходимлар эмланаяпти.

Шу ўринда шуни алоҳида таъ-

кидлаб ўтишимиз керакки, эмлаш ишлари босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Эмлаш ишлари Самарқанд шаҳридан бошланган эди. Ҳозирги пайтда Каттақўрғон шаҳри, Пайарик тумани, Пастдарғом тумани, Оқдарё тумани, Булунгур ва Жомбой туманлари 65 дан юқори ёшдаги аҳоли ҳамда Темирийўлар хизмати тиббий ходимлари эмланмоқда.

НАМАНГАН
ВИЛОЯТИ

Тўрақўрғон ва Давлатобод туманларида ҳам эмлаш жараёнлари бошланди. Коронавирус инфекциясига қарши эмлаш жараёнлари Наманган вилоятида ҳам белгиланган тартиб ва талаблар асосида амалга оши-

рилмоқда. Вилоят санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бошқармаси иммунология бўлимидан олинган маълумотларга кўра, эмлаш Тўрақўрғон ва Давлатобод туманларида ҳам бошлаб юборилган.

Эмлашга келган фуқаролар эмлашдан аввал тиббий кўриқдан ўтказилади. Поликлиникаларда кузатув хонаси ташкил этилган бўлиб, фуқаро эмланганидан сўнг 30 дақиқа давомида



шифокорлар кузатувида бўлади, ундан кейин уларга жавоб берилмоқда. Таъкидлаш жоизки бу жараёнга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Шу кунгача вилоятда 4789 нафар 65 ёшдан юқори нуронийлар ва тиббиёт ходимлари эмланган. Улар орасида умуман ноҳўя таъсирлар кузатилмаган.

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг Жамоатчилик билан алоқалар бўлими.

Илмий анжуман

БЎЛАЖАК ШИФОКОРЛАРНИНГ ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАРИ УЧУН ИМКОНИЯТ


Тошкент тиббиёт академиясида талаба ёшларнинг 1-халқаро илмий-амалий конференцияси ўтказилди. Анжуманни Тошкент тиббиёт академияси ректори, профессор Алишер Шадманов кириш сўзи билан очиб, мавзу доирасида тўхталиб ўтди.

Дунёнинг турли мамлакатларидан бўлажак шифокорлар иштирок этган масофали илмий амалий анжуман турли мамлакатлар иқтидорли талаба ёшларининг илғор қарашларини ZOOM платформаси кўмагида бир макомда жамлашди.

Акбар Собиров Тошкент тиббиёт академияси даволаш факультети 4-босқич талабаси. Бугунги талабалар конференциясида Акбар бошқа тенгдошлари сингари мамлакатимиздаги бошқа тиббиёт олийгоҳлари жумладан, Россия, Украина, Беларусь, Қозоқистон, Тожикистон, Қирғизистон каби хамдўстлик давлатларининг тиббиёт олийгоҳлари талабалари билан эркин, ижодий-илмий мунозараларда қизгин баҳсга кириша олди. Унинг "Туберкулёз микобактериясини янги-ча услубда аниқлаш" мавзусидаги маърузаси конференция

иштирокчиларини бефарқ қолдирмади.

Биз Акбардан мазкур долзарб мавзунинг танлашига нима сабаб бўлгани ҳақида сўраганимизда, У: - "ТТАда ҳар йили анъана тусига кириб бораётган "талабалар илмий жамияти" анжуманидаги фаол иштирокчим" – дея жавоб берди. Ҳа, бугун Акбар сингари иқтидорли ёшлар Академия босқичидаги илмий анжуманларда тобланиб, бугунги халқаро беллашувга астойдил тайёрландилар. Конференцияда барча хамдўстлик мамлакатлари тиббиёт олийгоҳларидан талаба ёшларининг фаол иштироки кузатилади. Эркин ижодий муҳитга асосланган масофали беллашувда талаба йигит-қизларимиз энг яхши натижа учун астойдил интилдилар. Иштирокчилар тиббиётдаги энг долзарб муаммолар ечимини ўзларининг долзарб мавзулари мисолидаги қизиқар-



ли маърузаларида баён этдилар. Масалан Тошкент тиббиёт академиясининг **2-босқич талабаси Нигина Дадаева "Фертил ёшдаги аёлларнинг пандемия шаронтидаги саломатлиги муаммолари"** мавзусидаги илғор маърузаси билан конференция баҳс майдонида турли мамлакатлар шунингдек, юртимиздаги бошқа тиббиёт институтлари ёшлари диққатини ўзига жалб эта олди. Унинг Олмазор туманидаги аёллар билан 3 ой давомида олиб борган кичик илмий амалий тадқиқоти бесамар кетмади. Нигина мазкур маърузани тайёрлаш учун COVID-19 инфекция-



сига чалиниб, оғир касалликни бошидан кечирган аёллар билан суҳбатлашди. Уларнинг руҳий кечинмаларини ўрганиш асосида бугунги конференция учун танлаган мавзусига оид қарашларини шакллантирди. Халқаро анжуманнинг яна бир иштирокчиси **Элнора Шомухаммедова, ТТАнинг даволаш факультетида 5-курсда ўқийди.** Илмий раҳбари Дилбар Расулова бошчилигида тарқок склероз билан касалланган беморларга эрта ташхис қўйиш таклифларини илгари сурди. Унинг "Тарқок склерозда неврологик етишмовчиликлар оғирлигини аниқлаш"

мавзуга нисбатан янги-ча ёндашуви тенгдошларининг танлаган муаммолари мавзуга оид кўплаб саволларига сабаб бўлди.

Айтиш мумкинки, талабаларнинг халқаро илмий амалий анжумани фикрлар хилма-хиллиги билан ёш мутахассисларнинг инсон саломатлигини химоялаш борасидаги илк илмий қарашларини шакллантирибгина қолмай, уларнинг келажакда турли мамлакат ёшлари билан ўзаро дўстона муносабатларига туртки бўлади.

ЗАМОНАВИЙ ИННОВАЦИОН СИМУЛЯЦИОН МАРКАЗ ОЧИЛДИ

Ривожланган мамлакатлар биринчи навбатда тиббиёт ва таълимга қаратилган эътибор орқали етук жамиятга эришганлар ва йиллар давомида авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда.

Ҳар томонлама етук ва рақобатбардош шифокорларни тайёрлаш, амалиётга қаратилган ўқув жараёнини замонавий фантом, симуляторлар ва лабораториялар билан жиҳозлаш орқали тиббий олий таълимни ривожлантириш концепциясида белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида Тошкент давлат стоматология институтида замонавий инновацион симуляцион мар-



каз очилди. Марказнинг очилиш маросимида Олий ва ўрта махсус таълим вазири Абдуқодир Тошқулов, Соғлиқни сақлаш вазирлиги бошқар-



ма бошлиғи Ўктам Исмоилов, институт ректори Нодир Ҳайдаров иштирок этди. Абдуқодир Тошқулов Тошкент давлат стоматология институти замонавий талабаларга мос келадиган ва стоматологиянинг илғор технологияларини эгаллаган соҳанинг юқори малакали тиббиёт ходимлари ва илмий мутахассисларни тайёрлаш ҳақида алоҳида тўхталиб ўтди. Институт симуляцион марказини ташкил этишда Россия, Бела-

рус, АҚШ, Жанубий Кореянинг нуфузли олий таълим муассасалари ва ўқув марказлари тажрибасига таянилди. Симуляцион марказда Франциянинг «Virteasy Dental» 3D симуляторлари, Англиянинг ўқув микроскоплари, Россиянинг «Пирогов» анатомик интерактив столи, Италиянинг талабалар учун энг охириги моделдаги стоматологик фантомлари ўрнатилди. Шу билан бир қаторда, ахборот ресурс марказининг виртуал кутубхонаси ҳам талабаларга хизмат кўрсатади. Буларнинг барчаси ўқув машғулотларини замон талаби асоси-

да ташкил қилишга, талаба ёшларнинг янги-ча ёндашуви асосида билим олишларига хизмат қилади. Хулоса ўрнида айтиш жоизки, тиббиётнинг энг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланган Ўзбекистон стоматологияси йилдан-йилга ўз нуфузига эга бўлмоқда. Шундай экан, бу каби ҳамкорлик бўлажак талабаларнинг келгусидаги касбий фаолиятида муҳим пойдевор бўлишига шубҳа йўқ.

Тошкент давлат стоматология институти матбуот хизмати



Мутахассис маслаҳати

МИГРЕНЬ, КЛАСТЕР ЦЕФАЛГИЯ, ЗЎРИҚИШ...

Неврология тиббиётининг бошқа йўналишларига қараганда ниҳоятда кенг тармоқли экани билан ажралиб туради. Яъни, бу соҳа инсоннинг асаб тизими ва унинг фаолияти билан боғлиқ кўплаб касалликларни аниқлаб, даволашга ихтисослашган бир неча бўлимларга бўлинади.

Масалан, мия қон-томир хасталикларини ўрганадиган ангионеврология соҳаси, эпилептология, вегетатив асаб тизими касалликларини аниқлаш ва даволашга йўналтирилган вегетология, шунингдек, нейроренетика каби муҳим тармоқларга бўлинган. Бундан ташқари, ички касалликлар туфайли келиб чиқадиган асаб хасталикларини ўрганиш ва уни даволаш ҳам неврологиянинг муҳим таркибий қисмидир.

Шуниси қувонарлики, жаҳон миқёсида неврология йўналишлари бўйича қандай ютуқлар мавжуд бўлса, уларнинг барчаси мамлакатимиз тиббиётига ҳам жорий этилган. Инсултнинг олдини олиш мақсадида эндоваскуляр технологиялар ёрдамида мия қон-томирининг торайган жойига катетер орқали кириб стент қўйиш амалиёти, бир қатор неврологик касалликларни консерватив, яъни дори-дармон билан даволаш бўйича қўлланаётган янги асбоблар шулар жумласидандир. Тиббиётимиздаги бундай муваффақиятлар халқимиз соғлиғини мустаҳкамлаш, аҳолининг умр кўриш кўрсаткичини узайтиришга замин яратётгани билан қадрлидир. **Маълумки, кўпчилик бош оғриғидан шикоят қилади. Айтиш лозимки,**

бунинг сабаблари турлича бўлиши мумкин. Бош оғриғининг 13 гуруҳга мансуб тури мавжуд. Уларнинг ичиде энг кўп учрайдигани мигрень, кластер цефалгия ва зўриқиш туфайли келиб чиқадиган бош оғриғидир. Агар бемор бош оғриғидан шикоят қилса, бу ҳолат биринчи мартами ёки илгари ҳам бўлганми, шунини аниқлаш керак. Мисол учун, бош оғриғи ҳар сафар бир хил аломатлар билан ўтса, ва қисқа вақт оралиғида беш мартадан кўп қайталанса, бу мигрендан далолат бўлиши мумкин. Лекин кучли бош оғриғи бемор ҳаётида биринчи марта рўй берган бўлса, зудлик билан невролог кўригини ташкил қилиш зарур.

Умуман, бош оғриғининг тез тез қайталаниши бирор касаллик белгиси эканлиги эҳтимолдан холи эмас. Бундай беморларни умумий амалиёт шифокори ёки невролог кўригига жалб этиш, хасталик сабабини ўз вақтида аниқлаш керак. Эътиборлиси, мамлакатимиз тиббиётининг бундай касалликларни ташхислаш ва самарали даволаш бўйича ҳамма имконият мавжуд. Туман тиббиёт бирлашмалари, вилоят ва республика миқёсидаги, қолаверса, хусусий тиббиёт муассасаларида асаб хасталикларини аниқлаш борасида жаҳон тиббиётининг энг илгор технологиялари — компьютер томография,

магнит резонанс томография, УТТ, доплерография, ЭЭГ каби асбоб-ускуналаридан самарали фойдаланилмоқда.

Касалликнинг яна бир тури — геморрагик инсулт. Унинг куйидагича клиник белгилари бор. Бу касаллик тўсатдан бошланади, кўпинча бемор хушдан кетади, қон босими юқори бўлади. Беморнинг юз-кўзлари қизариб, шишади, нафас олиши қийинлашади, бемор қушиши, мушаклар тортишиши мумкин.

Биламизки, кексалар орасида хотира пасайишидан шикоят қиладиганлар учраб туради. Жумладан, **нуронийларда хотира пасайишига, асосан, атеросклероз, яъни мия қон томирлари торайиши асосий сабаб бўлади.** Бундай вазиятда рационал овқатланиш тамойилларига риоя этиш ниҳоятда муҳим. Чунки, нотўғри овқатланиш, яъни ёғли, қовурилган, ҳазми қийин таомлар касаллик ривожланишига туртки беради. Бунинг олдини олиш учун парранда ва баллиқ гўшtidан тайёрланган парҳез овқатлар тавсия этилади. Қолаверса, хотирани машқ қилдириш, доимо фаол ҳаёт тарзини юритиш, айниқса, оила даврасида фарзандлар, набиралар қуршовида бўлиш кексаларнинг саломатлигини асрашда муҳим аҳамиятга эга.

Кўп ҳолларда **ёш оналар бола-си бошини орқага ташлаб йиғлаши, инжиқланишидан ташвишланади.** Аввало, ҳолатни синчиклаб кузатиш лозим. Бола



аҳён-аҳёнда шундай қилса, бу шартли рефлекс ҳолати бўлиши мумкин. Чунки, ҳар хил вазиятларда нафақат болалар, катталар ҳам бошини орқага ташлашга одатланган. Агар бу ҳолат узокқа чўзилса, болани шифокор кўригидан ўтказиш зарур. Маълумки, тутқаноқ касаллиги хуружи такрорланиб туради. Халқ орасида тутқаноқ тутганда бирор кучли нарса ҳидлатиш, тили нафас йўлига кетиб қолмасин ёки тишлаб олмасин деб темир қошиқ билан ушлаш керак, деган тушунча юради. Бу умуман

нотўғри. Бундай вазиятда беморни ёнбошлатиб ёки пастга қаратиб ётқишиш керак. Шунда тил нафас йўлига кетиб қолмайди. Бундан ташқари, касаллик хуруж қилганда бемор қусса, ажралган суюқлик нафас йўлига кетиб қолишининг ҳам олди олинади. Бундай беморларнинг белгиланган муолажаларни ўз вақтида қабул қилиши ҳам ниҳоятда муҳим.

Бахтиёр ҒОҒУРОВ,
тиббиёт фанлари
доктори, профессор.

ПОЙТАХТ КЛИНИКАЛАРИДАГИДЕК ИМКОНИЯТЛАР

Икки ойдирки, республикаимиз ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари вакиллари тиббиётнинг турли йўналишлари бўйича маҳаллий шифокорлар билан мустаҳкам ҳамкорлик алоқаларини ўрнатди. Эндиликда Наманган вилоятимизда Тошкентдаги қатор илмий-амалий тиббиёт марказларининг филиаллари очилмоқда. Жумладан, вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази негизда академик В.Воҳидов номидаги ихтисослаштирилган хирургия ИАТМнинг жарроҳлик йўналишидаги, Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация ИАТМнинг ревматология ва гастроэнтерология соҳасидаги филиаллари фаолиятини бошлади.

Шуниси аҳамиятлики, мазкур филиалларга жалб қилинган таниқли шифокор ва олимлар вилоятимизнинг ўзида наманганлик врачларнинг касбий маҳоратини ошириш билан бирга Тошкентда олиб борилаётган мураккаб жарроҳлик амалиётларини Наманганда жорий этишга тараддуд қўрилмоқда. Ўтган шанба кун дастлабки жарроҳлик амалиётлари муваффақиятли яқунланди. Марказнинг травматология-ортопедия бўлимида Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт марказининг травматологи, тиббиёт фанлари номзоди Зафар Ҳолов томонидан икки нафар беморда юқори техник ортопедик амалиёти бажарилди. Бинобарин, шу ойнинг ўзи бир неча беморда бўйрак кўчириш амалиётларини ўтказиш режалаштирилган. Мазкур жараён олдида касаликка ча-

линган беморлар айна кунларда тиббий кўрикка чорланяпти. ВКТТМ жарроҳлик бўлимини мазкур мураккаб амалиётга тайёрлаш юзасидан маслаҳатлар бераётган академик В.Воҳидов номидаги ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг жарроҳ-транслантолог, тиббиёт фанлари номзоди Қодиржон Маҳмудов томонидан кўплаб беморлар саломатлигининг ҳолати ўрганиб чиқилмоқда. Қайд этиш жоизки, тез орада вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида травматология ва ортопедия, нейрохирургия, урология ҳамда кўз микрохирургия йўналишлари бўйича ҳам республика ИАТМларининг филиаллари очилади. Ушбу филиалларда юқори технологик амалиётларни ўтказишга зарур шароит яратиш учун энг замонавий тиббиёт асбоб-анжомлар ва аппаратуралар хирид қилишга вилоят ҳокимлиги томонидан 7 миллиард сўм ажратилиши

кўзда тутилмоқда. Энди наманганлик неврологлар пойтахтга малака мукамаллаштириш учун боришлари шарт эмас, чунки Тошкентдаги шифокор-олимларнинг ўзлари уларнинг хузуруларига касбий кўникма ва билимларини бойитиш учун келдилар. Бугун вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказининг неврология кафедраси мудири, тиббиёт фанлари доктори Бахтиёр Гафуров бошчилигидаги бир гуруҳ мутахассислар маҳаллий ҳамкасблари учун “Маҳорат дарс”ларини бошлашди.

Оила шифокори амалиётида учрайдиган неврологик синдромлар мавзуи малака ошириш циклида тиббиёт фанлари доктори Бахтиёр Гафуров, кафедра профессори, тиббиёт фанлари доктори Нигора Алиқулова, кафедра доцентлари, тиббиёт фанлари номзоди Раъно Абдужамилова, тиббиёт фанлари номзоди Зиёда Назаровларнинг маърузалари тингланди. Улар вилоятдаги даволаш профилактика муассасаларида фаолият юритаётган неврологлар, оила шифокорлари ва барча клиник мутахассислар иштирокидаги ўқув жараёнларида бош мия инсултларининг профилактикаси ва касаллиқни даволашнинг замонавий усулла-

ри ҳақида керакли маълумотлар бердилар. “Маҳорат дарс”лари нафақат семинар тарзида, балки амалий жараёнлар билан ҳам боғланди. Олим – шифокорлар марказининг неврология бўлимида даволанаётган беморларни ҳам тиббий кўрикдан ўтказишди, тавсиялар беришди.

– *Юртимизнинг чекка ва олис ҳудудларида ҳам аҳолига юқори малакали неврологик хизматни йўлга қўйиш, маҳаллий мутахассисларимизнинг даражасини кўтариш, уларга мақсадли ва манзилли ёрдам кўрсатиш бизнинг олдимизга қўйган вазифаларимиздан биридир, – дейди тиббиёт фанлари доктори Н. Алиқулова.* – Биз мутахассисларимизга кўмак бериш учун келдик. Фақатгина вилоят марказида эмас, эртадан Чортоқ туманидаги оила поликлиникаси ва оилавий шифокорлик пунктларида фаолиятимизни давом эттирамиз.

Куннинг иккинчи ярмида меҳмонлар РШТЎИМ Наманган филиалида бўлишди. Профессор Бахтиёр Гафурович неврореанимация бўлимида даволанаётган беморлар Нодира Омонова ва Абдулло Алихоновларнинг касаллик тарихлари билан обдон танишди. Уларнинг айна дамдаги ҳолатини кўздан кечириб, беморларни фаол ҳаётга қайтариш учун қимматли маслаҳатларини

берди. Шунингдек, неврология бўлимидаги беморлар Мадина Ҳайдарова, Мухтор Аломидинов, Роҳатхон Атамирзаевлар ҳам фан докторининг тиббий кўригидан ўтдилар.

– Мухтарам Юртбошимиз саъй - ҳаракатлари билан бугун чекка -чекка ҳудудларда аҳолига тиббий хизмат кўрсатаётган шифокорларга ҳам юксак эътибор берилмоқда. Илгарилари мутахассисларимиз оилавий боришар, бу эса олис кишлоқлардаги беморларга ноқулайлик туғдирар, ортиқча сарф-харажатга сабаб бўлар эди. Бугун эса унинг тамоман акси бўляпти. Шифокор ўз ўрнида ўтириб, беморини қабул қиляпти. Пойтахтлик етук мутахассисларнинг ўзлари келиб уларга сабоқ беришяпти. Бу жуда-жуда қулай имкониятдир, – дейди **ВССБ штатсиз бош неврологи Бахтиёр Ёқубов.**

Албатта, инсон ҳаёт фаолияти давомида асабийлик, стресс ҳолатларига дуч келмасликнинг иложи йўқ. Шунинг учун ҳам ҳозирда асаб тизими хасталикларини биринчи ортиқчилиги ҳам барчага маълум. Ўйлаймизки, жорий этилаётган янгилик ўзининг ижобий натижасини беради.

Манзура ЭРҒАШЕВА.

Аҳолининг кенг қатлами учун

ЎЗИНГИЗ, ОИЛАНГИЗ ВА ЯҚИНЛАРИНГИЗНИ
УШБУ КАСАЛЛИКДАН ҲИМОЯ ҚИЛИНГ!

Бутун дунёда миллионлаб инсонларнинг умрига зомин бўлаётган, кўплаб оилаларнинг хотиржамлигини бузаётган ва давлатлар иқтисодётининг ривожланишига катта зарар етказётган ОИВ инфекцияси касаллиги ҳозирги кунда ҳам ўзининг аянчли оқибатлари билан инсониятнинг энг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда.

Ер юзиде ушбу касаллик билан яшаётган одамлар сони 38 миллиондан ошди, жами касалланганлар сони эса 75 миллионни ташкил этади. Бир кунда тахминан 7 минг 400 нафар одам бу касалликни юктириб олмақда. Касаллик турли ёшдаги аҳоли орасида, айниқса, 20-49 ёшлилар ўртасида қайд этилиши ёшлар келажоғи, соғлиги ва ҳаёти учун ҳафвдир.

ОИВ инфекцияси – одамнинг иммунитет танқислиги вирус келтириб чиқарадиган сурункали юқумли касаллик ҳисобланиб, вирус бемор одам организмда бутун ҳаёти давомида сақланиб қолади. Инфекция дастлаб яширин тарзда кечиши, бу давр бир неча ойдан 5-10 йилгача ва ундан ҳам ортиқроқ давом этиши мумкин. Касалликнинг яширин даврида вирусни юктириб олган шахслар кўринишидан соғлом бўлиб, уларда касалликнинг

ҳеч қандай белгилари кузатилмаслиги мумкин. Касалликнинг шу даври анча хавфли ҳисобланиб, инфекцияни юктириб олган шахслар ўзлари билмаган ҳолда касалликни бошқаларга ҳам юктириши мумкин.

Инсон ОИВ инфекцияси билан зарарланганда вирус организмда кўпайиб, аста-секинлик билан иммун тизимни издан чиқаради ва натижада ОИТС ривожланади. Орттирилган иммунитет танқислиги синдроми (ОИТС) – одамнинг иммунитет танқислиги вирусини юктириб олиш натижасида касаллик белгилари келиб чиқадиган хасталикнинг сўнгги босқичидир.

ОИВ инфекцияси асосан уч хил: ОИВ инфекцияси бор шахслар билан химояланмаган жинсий алоқа қилганда – жинсий; гиёҳванд моддаларни бир неча шахс томонидан битта шприцда томир орқали қабул қилганда, зарарсизлантирилмаган (стерилланмаган) жарроҳлик, доя-

лик, стоматологик, сартарошлик ва шунга ўхшаш одам терисини кесувчи, санчувчи асбоблар орқали муолажалар олганда, шприц ва игналардан умумий фойдаланилганда парентерал; инфекцияга чалинган ҳомиладор онадан болага ҳомиладорлик даврида жароҳатланган йўлдош орқали, бола туғилиши жараёнида туғруқ йўллари жароҳатланиши туфайли ва болани эмизиш жараёнида она сути орқали – вертикал йўллар билан юқади.

Одам вирусни юктириб олган дастлабки даврларда ўзини соғлом ҳис қилади. Инсон ёши, соғлиги, турмуш тарзига қараб бундай ҳолат 5-10 ва ундан кўп йилларгача давом этиши мумкин. Шундан сўнг касалликнинг дастлабки белгилари: сабабсиз узоқ давом этувчи йўтал; одамнинг қисқа вақт ичида кескин озиб кетиши; ҳароратнинг узоқ вақт сабабсиз кўтарилиши ва ич кетиши (диарея); оғиз бўшлиғи ҳамда турли аъзоларнинг яллиғланиши; хавфли ўсмаларнинг ривожланиши намоён бўла бошлайди. Беморлар айнан ОИВнинг бевосита таъсиридан эмас, балки юқоридаги қўшимча касалликларнинг асоратлари

туфайли ҳаётдан кўз юмиши мумкин.

ОИВ юқишидан химояланишнинг ишончли усули тартибсиз жинсий алоқадан сақланиш, оила, турмуш ўртоғига вафодор бўлиш ва умуман гиёҳванд моддаларни қабул қилмасликдир. Меҳнат мигрантлари, никоҳланувчилар, ҳомиладорлар эса яшаш ҳудуди бўйича поликлиникада ўз вақтида ОИВ инфекциясига қон топширишлари зарур бўлади. Ўзида ушбу касалликка шубҳа булган ҳолатларда вилоят ОИТСга қарши курашиш маркази ёки ҳудудий поликлиникаларда ишонч хоналарида шахси сир сақланган ҳолда маслаҳатлар олиши ва лаборатория текширишларидан бепул ўтиши мумкин.

Қувонарли томони шундаки, бугунги кунда ОИВ инфекциясини юктирган одамнинг умрини бир оз узайтириш имкониятлари бор. Бунинг учун вирусга қарши дори воситалари мавжуд бўлиб, вирусни тўлиқ йўқ қилмасам ҳам, унинг бемор организмда кўпайиб кетишига йўл қўймайди, яъни унинг таъсирида қонда вируслар сони камайиб, иммунитет кучаяди, вирусга қарши курашувчи ҳужайраларнинг сони ортиб, беморнинг аҳоли бир оз яхшиланиб соғлом ҳаёт кечириши ва умрини бироз узайтиришга имкон яратади.

Ахмадҷон АЙИТБАЕВ,
Тошкент вилояти ОИТСга қарши курашиш маркази санитария врач

Халқ розилиғи йўлида

ФАОЛИЯТЛАР ЗАМИРИДА ИЖОБИЙ ВА
САМАРАЛИ НАТИЖАЛАР

Давлатимиз раҳбарининг “Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғриси”даги Фармони ижросини таъминлаш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Ҳаммамизга маълумки, бирламчи тиббий-санитария ёрдами ҳар томонлама мустаҳкамлаш, тиббий профилактика ва патронаж тизимининг мутлақо янги тизимини жорий қилиш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва аҳоли жамоат саломатлигини таъминлашнинг маҳаллалар ва аҳоли хонадонлари даражасигача қамраб оладиган яхлит тизими яратилмоқда. Шу билан бирга аҳоли орасида авваламбор соғлом турмуш тарзи ва жисмоний фаолликни оширишни тизимли равишда ташкил қилиш ишлари йўлга қўйилмоқда.

Ислохотларни самарали амалга оширишда Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур туман тиббиёт бирлашмасига қарашли 48-оилавий поликлиника тиббиёт ходимлари ҳам фаол иштирок этишмоқда. Тиббиётни янада аҳолига яқинлаштириш мақсадида

“маҳаллабай” тизими ҳудудда тўлиқ жорий этилмоқда, мавжуд 5 та маҳаллалар кесимида аҳолининг саломатлик ҳамда касалланиш кўрсаткичлари ўрганиб чиқилди, аҳоли саломатлигини маҳалла, хонадон, оилалар кесимида назорат қилиш имкони яратилди.

Шайхонтоҳур, Ўрда, Олмазор, Хадра ва Жангтоҳ маҳаллалари аҳолисининг саломатлик ва физиологик ҳолати ўрганиш натижаларида таянч 6168 нафар, паст хавф гуруҳи 9829 нафар, ўрта хавф гуруҳи 6787 нафар, юқори хавф гуруҳи 260 нафарни ташкил этди. Мазкур хавф гуруҳидаги аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш учун 12 та “тиббиёт бригадалари” ташкил қилиниб, улар махсус компьютер-планшетлари билан таъминланди. Мустақил равишда тиббиёт муассасасига кела олмайдиган 122 нафар беморлар доимий кузатувга олинди ҳамда уйига борган ҳолда уларга тиббий

хизмат кўрсатилиб, индивидуал патронаж амалга оширилмоқда. Хатлов натижаларидан келиб чиқиб, профилактик кўриклар ўрнига ҳудуднинг ўзига хос хусусиятлари ва аҳолининг гуруҳга мансублигига асосан, муайян касалликлар бўйича даврий тиббий скрининг текширувлари ўтказилмоқда. Навбатдаги “метаболик синдром” ва юқумли бўлмаган касалликларни аниқлашга қаратилган скрининг текшируви ва мақсадли тиббий кўрик Шайхонтоҳур маҳалласида жорий йилнинг 28 март кунини ўтказилди. Мақсадли тиббий кўрикка 40 ёшдан ошган ва тана вазн кўрсаткичлари меъёрдан юқори бўлган фуқаролар таклиф этилди. Маҳалла биносига лабораторияда текширувлар ўтказилиб, унда қоннинг умумий таҳлили, биокимёвий текширувлар яъни қондаги холестерин миқдори, қондаги шакар миқдори, қоннинг ивиш даражалари шу жойда аниқлаб берилди. 60 нафар хавф гуруҳидаги фуқаролардан 17 нафариде қондаги глюкоза миқдори юқорилиги аниқланди ва керакли маслаҳатлар берилди. Шунингдек, 12 нафар фуқарода қондаги холестерин миқдорининг баландлиги, 14 нафариде қон

ивинининг турли даражадаги бузилишлари аниқланди.

Бундан ташқари, ЭКГ текширувлари ва малакали кардиолог кўруви натижасида 11 нафар беморлар юрак ишемик касалликлари, турғун стенокардия касаллиги билан қайта кўриқдан ўтказилди ва 3 нафар беморгақундузги шифохона шароитида ҳамда 1 нафар беморга республика муассасига даволанишга йўланма берилди. Қон босими юқорилиги 18 нафар беморда қайд этилиб, жумладан 3 нафар фуқарода биринчи марта қон босими юқорилиги аниқланди. Невропатолог мутахассис томонидан 21 нафар беморда дисциркулятор энцефалопатия, жумладан 9 нафарига биринчи марта ташхис қўйилди. 2 нафариде депрессия аниқланиб мутахассисга йўналтирилди. Шу билан бирга, диетолог мутахассис томонидан зарурий маълумотлар берилди. Одатда кўплаб юқумли бўлма-

ган касалликлар инсоннинг ўзига боғлиқлиги яъни соғлом турмуш тарзига амал қилмаслик, нотўғри овқатланиши ва камҳаракатлилиги оқибатида юзага келаётганлиги тушунтириб берилди. Овқатланишда мева-сабзавотлар, кўкатлар, полиз ҳамда сут, гўшт, парранда, балиқ, тухум, дуккакли маҳсулотлардан кўпроқ истеъмол қилиш саломатлик учун жуда муҳимлиги айтилди.

Кинезиолог мутахассис томонидан пиёда юриш ва жисмоний машқларнинг фойдали томонлари:

- ▶ ақл заифлашуви (деменция) хавфининг камайиши;
- ▶ диабет;
- ▶ депрессия;
- ▶ йўгон ичак саратони; семизлик;
- ▶ бўғимлар касалликлари; эректиль дисфункция бузилишларининг олдини олиши тушунтирилди ва уй шароитида бажариладиган машқлар мажмуи ўргатилди.

Маъмура ЗАХИДОВА,
Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур туманидаги
48-оилавий поликлиника бош шифокори

Тема дня

ПРИЧИНЫ ДЕТСКОГО
НЕПОСЛУШАНИЯ

Все мы помним мальчика из фильма «Трудный ребенок», когда мы смотрели фильм, воспринимали все происходящее со смехом. Сейчас такое поведение ребенка в жизни скорее воспринимается как наказание, никто смеяться уже не рискнет.

В понятие трудного ребенка можно вложить и «непослушный», «неуправляемый», «невоспитанный». Порой родители и сами не замечают, как происходит этот переход от ребенка, который слушал родителей, иногда шалил. Не нормально, когда ребенок безропотно выполняет все, что требуют от него родители, словно находится в невидимом рабстве. Самое интересное, что непослушание – это нормальное поведение для детей в определенном возрасте. Но есть моменты, на которые стоит обратить внимание, ведь существуют периоды возрастных кризисов, когда ребенок начинает вести себя не типично. Например, кризис трех лет, когда малыш просто отрицает все на свете, вставляя частицу «нет» во все предложения родителей, что затрудняет коммуникацию, но пережить кризис можно, если быть к нему готовыми.

Во время кризиса трех лет ваш малыш будет отказываться делать то, что вы попросили, но с помощью такой хитрости, как разговор от обратного, он и не заметит подвоха.

Абсолютно нормальная ситуация во время кризиса трех лет:

«Мы сейчас будем ужинать! Помой руки и садись за стол!»

«Нет! Не хочу ужинать! Не буду мыть руки!»

Что лучше сказать:

«Не трогай мыло в ванной, оно так классно пенится, ни в коем случае не мой руки!»

«Мы сядем ужинать, а ты почитай пока книжку, не садись с нами за стол.»

Подобные фразы идеально действуют на ребенка, он тут же побросает все свои дела и побежит мыть руки, чтобы сесть за стол и сделать все наоборот.

Если с кризисом все понятно, то что же такое трудный ребенок, что его характеризует?

Часто устраивает истерики

Не реагирует на замечания родителей и воспитателей

Не умеет вести себя в школе, саду и общественных заведениях

Не контролируют себя

Не умеют распознавать чужие эмоции

Основные ошибки родителей**Гиперопека**

«Не трогай!», «Отойди», «Аккуратнее!» – как часто ваш ребенок слышит эти запреты и команды и не знает, что же ему делать, как познавать этот огромный мир? Когда приходит время некоторой самостоятельности и осознания, что можно делать по-своему, ребенок на-



чинает отрываться по полной, круша все вокруг, потому что не успел это сделать раньше.

Ребенка не наказывают за провинности

Закрывая глаза на то, что ребенок не послушал вас, а сделал все по-своему, улыбаться и считать, что перерастет, когда он в очередной раз не послушался и чуть не обжег руки об горячую кастрюлю. Можно считать, что ребенок должен учиться на своих ошибках, но ведь запасных детей нет, и нужно воспитывать и наказывать ребенка здесь и сейчас. Установите правила, границы дозволенного и не позволяйте ребенку заходить за них. Конечно, речь здесь не о порке или других варварских методах.

Ребенок – центр мироздания

Когда малыш – единственный ребенок в семье, могут возникнуть такие отношения, когда он воспринимается маленьким ангелочком, его задают игрушки, все прощают и делают все, что он попросит. Ребенок растет избалованным и эгоистичным, считая, что это он устанавливает правила в семье.

Противоречивые запреты

Это ярко проявляется, когда ребенок приходит в гости к бабушке и дедушке, или когда один из родителей видится с ребенком реже. Получается, что мамы запреты действуют только с ней, а с другими родственниками это вовсе не счита-

ется чем-то плохим. Например, ребенку не разрешают смотреть телевизор дома, а бабушка включает мультики со словами «Он же малыш». То же касается и сладкого и многого другого.

Пример родителей

Можно долго ребенку объяснять, что есть много сладкого – вредно, что нужно много читать, но если сами родители едят тайком сладкое или вообще не берут в руки книгу, ребенок быстро поймет, что можно и так, как делают родители.

Ребенок «зеркалит» родителей

Когда ваш малыш без повода бьет или истерит, попробуйте взглянуть на себя и членов семьи со стороны, возможно, кто-то в семье не умеет сдерживать себя, позволяет себе кричать или распускать руки. Ребенок впитывает все как губка и показывает то же поведение в саду, с родителями, в школе. Не позволяйте гневу руководить вами, ищите мирный способ погасить свою агрессию, для начала про-



сто посчитайте до десяти и выдохните.

Разобравшись с ошибками, перейдем к причине того, что могло повлиять на плохое поведение ребенка, который внезапно стал вести себя иначе.

Ребенок хочет взять «бразды правления» в свои руки

В кризисные моменты ребенок начинает ощущать свою независимость, вместе с нею он пытается сделать так, чтобы все



его желания исполнялись, делает он это доступными ему способами:

Кричит, ложится на пол и плачет, не слушает родителей и не идет на контакт, «хочу» и все.

- *Попытайтесь в этот момент договориться с ребенком, услышать его, но при этом важно показать ребенку, что вместе его хочу, ему придется взять ответственность за свое действие. Например, малыши хотят надеть на улицу трикотажные перчатки, а непромокаемые отказывается. Согласитесь, но объясните, что если перчатки намокнут, то придется переодеться, чтобы руки не замерзли. Или кроссовки вместо сапог: тогда придется идти домой, как только ноги намокнут и прогулка будет совсем непродолжительная. Терпеливо объясняйте маленькому человечку, решение проблемы и исход.*

- *Если ребенок бьет других, отбирает игрушки или портит вещи, обговорите границы дозволенного: бить и обижать никого нельзя, ни детей, ни взрослых, портить игрушки или отбирать их нельзя. Если такое произойдет, за этим последует наказание, обговорите, что ждет за такие выходки заранее.*

- *Объясните ребенку, что нужно контролировать плохие эмоции, нельзя бить только потому, что что-то не понравилось, нельзя обзывать, если*

так, чтобы он ощутил любовь и заботу. **Что остается малышу, который не умеет еще управлять своими эмоциями? Привлечь родителей любимыми доступными способами, например, истерикой, криками, разбрасыванием вещей, их порчей, так родители точно обратят внимание. Что делать родителям?**

- *Убирайте гаджеты и проводите качественно время с ребенком, хотя бы 30-40 минут в день. Пусть это будет активная игра, рисование, сборка пазла, неважно, главное, делать это вместе и не отвлекаться постоянно.*

- *Почаще обнимайте ребенка, говорите ему о том, как сильно любите.*

- *Хвалите успехи ребенка, его хорошее поведение и манеры.*

- *Если ребенок начинает плохо себя вести, дайте ему важное поручение, отвлеките его внимание.*

Ребенок обижен и мстит

Возможно, малыш еще не понимает всего спектра испытываемых чувств, но он точно может впитать агрессию, злость родителей и обидеться. Нарастает внутреннее напряжение, он может таким образом выплеснуть его, делать что-то назло маме и папе.

- *Если у вас произошла ссора и вы накричали на ребенка, обязательно извинитесь перед ним после. Не давайте обиде и напряжению расти. Заканчивайте день на хорошей ноте. Ребенок усвоит от родителей, что любой конфликт нужно погасить или по крайней мере, уметь признать свою вину и извиниться. Обговорите после с малышом, почему произошел конфликт и как можно было сделать, чтобы его избежать.*

- *Чаще спрашивайте ребенка о том, что он чувствует и что думает по тому или иному вопросу. Обычный вопрос: «Ты злишься?» или «Ты обиделся? Расскажи, пожалуйста».*

- *Рассказывайте малышу и о своих чувствах. Объясните, что его непослушание привело к тому, что маме грустно, мама злится, потому что он поступает неправильно. Вы не должны быть с ребенком человеком без эмоций и чувств, он должен понимать и видеть, что окружающие его люди могут испытывать разный спектр эмоций и это нормально, люди не роботы.*

Источник: findmykids.org

Хамкорлик

«SWISSLAB» БИЛАН ЯНГИ
ЛОЙИХА АМАЛГА ОШИРИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси ва «SwissLab» тиббий лабораторияси 6 минг киши учун лаборатория таҳлили ўтказишни ташкил этди.

Миллий палатанинг ҳудудларни қўллаб-қувватлаш дастури доирасида бир қатор ҳудудлар аҳолиси орасидан ижтимоий ёрдамга муҳтож қисми бепул ташхислаш пакетлари (ваучерлар) билан таъминланди. Мазкур пакетларга беморларни кардиология, урология ва терапия йўналишлари бўйича скрининг текширувидан ўтказиш учун зарур бўлган лаборатория таҳлиллари қиради.

Лойиҳанинг дастлабки босқичида ташхислаш пакетидан Самарқанд, Жиззах, Сирдарё, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳар аҳолиси фойдаланади. Иштирокчилар рўйхати Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатасининг ҳудудий бўлинмалари томонидан шакллантирилади.

«Буғунги кунда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан одам-

ларнинг касаллигини олдини олиш мақсадида аҳоли саломатлиги скринингига алоҳида эътибор қаратилган. Бу ҳақда Давлатимиз раҳбари 26 февралда бўлиб ўтган видеоселекторда таъкидлаган эди. Қўйилган вазифани бажара туриб, Миллий палата ўзининг Худудларни қўллаб-қувватлаш дастури доирасида аҳолининг скрининг масаласини, айниқса, ижтимоий кўмакга муҳтож аҳоли скрининг масаласини алоҳида назоратга олди», – дейди мазкур тизим раҳбари Ровшан Исамов.

«SwissLab» компанияси (Ўзбек-Швейцария қўшма корхонаси) мутахассислари жорий йил март-апрель ойлари давомида 6 минг кишини лаборатория таҳлиладан ўтказди. Қўшма лойиҳа энг аввало юқори сифатли скрининг ўтказишни мақсад қилган. Чунки мазкур компаниянинг лаборатория таҳлиллари Европа сифати стандартларига мос келади.



Ва бу зарур сертификат билан тасдиқланган.

Бу, ўз ўрнида, беморларни ташхислаш даражасини кўтариш, ташхис қўйишда хатолар сонини камайтириш, тиббий статистикани яхшилаш, ва умуман одамларнинг мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимига бўлган ишончининг ортишига олиб келади.

Ўзбекистон Республикаси Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси матбуот хизмати.

Оналарга маслаҳат

БОЛАЛАРНИ РИВОЖЛАНИШИГА
НИМА ТЎСҚИНЛИК ҚИЛАДИ?

Бугунги кунда болалар дўконлари кичкинтойлар ва уларнинг ота-оналари учун қулай бўлган нарсалар билан тўлдириб ташланган. Лекин биз ҳаётимизни енгиллаштириш билан ўзимиз билмаган ҳолда фарзандларимизнинг ривожланишига тўсқинлик қиламиз. Ахир ҳамма ихтиролар ҳам фойдали бўлавермайди-ку.

Баъзилари эса фақат маълум бир ёшгача фойда келтиради. Бир ёшдан кейин резинка сўргич ва бутилкалар. Жажжигина чақалоқчалар овқатлана олмаганлари учун уларга бутилка зарур бўлади, резинка сўргичлар эса сўриш рефлексини қондиради ва уни тинчлантиради. Лекин бола бир ёшга тўлганидан кейин яхши-си бу нарсалардан воз кечишга ўргатиш лозим.

Акс ҳолда доимий равишда сўриш тишлани бузади ва тирноқлар, қаламлар, ручкаларни тишлаш каби жиддий муаммоларни келтириб чиқаради.

Юришга ўргатувчи аравачалар



Бундай аравачалардан фойдаланиш болалар шифокорлари томонидан умуман тавсия қилинмаган. Биринчидан, бу умуртқага катта оғирлик туширади, бола ҳали мустақил равишда юра олмайди-ган бўлса, демак, унинг умуртқаси ҳали бунга тайёр эмас. Иккинчидан, бола аравача ичида мувозанатини сақлай олмасдан ўзини олдинга ташлайди, демак, бу унга ҳақиқий юришни ўрганишга ёрдам бермас экан.

1,5 ёшдан кейин бир мартали тагликлар

Бир мартали тагликлар – бу жуда қулай, лекин сиз улардан қанча узокроқ фойдалансангиз, тувакка ўргатиш жараёни шунча қийинроқ бўлади. Ўзингиз ўйлаб кўринг, тагликда иссиқ ва қуруқ, ва ҳатто, бола ўзининг «ишларини» қилиб қўйса ҳам, бу унга ҳеч қандай ноқулайлик туғдирмайди. Агар болани ползунка ва иштончаларга ўтказсангиз, у намликнинг ёқимсиз ҳолатини ҳис қилади ва тувакка ўтиришга тезроқ ўрганади.

ЭЪЛОН

Ўзбекистон Республикаси Инновацион Соғлиқни сақлаш Миллий палатаси Тошкент шаҳар бўлими қошида МЧЖ „DOCTORTUR VIP“ тиббий стажировка курслари ташкил этилди.

Ўз соҳангиз бўйича дунёда етакчи ҳисобланган Туркиянинг энг машҳур клиникаларида амалиёт (малака) ўташ, янги билимларни ўзлаштириш ва уни Ўзбекистонда тадбиқ этиш.

Ҳозирда мавжуд курслар:

- Лаборатор диагностика
- Акушерлик ва гинекология
- Гастроэнтерология
- Дерматология
- Интервенцион радиология
- Кардиология ва қон томир хирургияси
- Нейрохирургия
- Умумий хирургия
- Онкология
- Ортопедия ва спинал хирургия
- Эндокринология
- Бўғимларни эндокринология операцияси
- Отоларингология
- Офтальмология
- Реабилитация ва физиотерапия
- Роботлаштирилган хирургия
- Торакал хирургия
- Трансплантология
- Урология
- Репродуктив тиббиёт
- Эстетик, пластик ва реконструктив хирургия

Ва бошқа йўналишлар

Стажировка муддати: 15 кун

2.000\$ (стажировка ва меҳмонхона харажатлари)

Туркия бўйлаб саёҳат - бепул.

Суғурта харажати - бепул.

3 маҳал бепул овқат - бепул.

Таржимон хизмати - бепул.

Трансфер хизмати - бепул.

+998(90) 985-84-00

+998(99) 895-00-01

+998(93) 123-11-88

+998(99) 872-68-72

+998 (90) 971-91-28

+998 (71) 289-42-55

+998 (71) 289-43-47

+998 (71) 289-42-02

Биринчи гуруҳнинг ҳужжатларини қабул қилиш муддати 2021 йил 20 апрелгача (паспорт нусхаси, иш жойидан справка)

Ҳужжатлар қабул қилиш манзили:


Тошкент шаҳар Яшнобод тумани, Махтумқули кўчаси 2, мўлжал: Ашхобод сайилгоҳи.

ВИРУСЛАР БИЛАН КУРАШАДИГАН
ҚУРИЛМА ИХТИРО ҚИЛИНДИ

Швейцарияда ультраби-нафша нурлари ёрдамида барча микроблар билан кураша оладиган аппарат ихтиро қилинди.

Кўпчилик унга коронавирусни ўлдирувчи робот деб ном берган. У парвозлар хавфсизлигини таъминлаш учун самолётларнинг ички қисмларига қайта ишлов беришга мўлжалланган. Таъкидланишича, битта лайнерни дезинфекция қилиш учун 13 дақиқа вақт кетади.

"Биз машинани ёқамиз ва самолётда қолдирамиз. У дезинфекция қилади ва иш тувагандан сўнг автоматик равишда тўхтайти. Инсон билан



техника алоқада бўлмайди. Саёҳатчилар учун ахамиятли нарс шундаки, ўриндиқларда кимёвий моддалар излари бўлмайди, ҳамма нарс мутлақо тоза бўлади", дейди қурилмани ишлаб чиқарган компания вакили Жодок Элмигер.

www.ssv.uz

Газета
муассиси:
Ўзбекистон
Республикаси
Соғлиқни
сақлаш
вазирлиги

Бош муҳаррир
Баҳодир ЮСУПАЛИЕВ
Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри, Истикбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.
Тел/факс: (0371) 233-13-22, тел.: (0371) 233-57-73. Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2009 йилнинг 11 март куни рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.

Газета материаллари таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Адади 873 нусха.
Буюртма Г-440

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи: Нарзулла Ҳамроев

Босмахонага топшириш вақти – 20.00.